



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 июнь, № 111 (9006)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Бундан икки минг йил аввалги воқеалардан ҳикоя қилувчи хитойча “Шижи” солномасида шундай сўзлар учрайди: “Фарғонада деворлар билан ўралган шаҳарлар ва хужралардан ташкил топган иморатлар бор. Унинг ҳудудида етмишдан ошiq катта-кичик шаҳар ва қишлоқлар жойлашган. Шаҳар аҳолиси бир неча юз мингдан ошади, лашкарлари ўқ-ёй, найза, қалқонлар билан қуролланган чавандозлардан иборат”. Бу сўзларни ўша даврдаги Хан сулоласи ҳукмдорининг элчиси Чжан Тсянг ёзиб қолдирган.

Элчи Фарғонани Довон мамлақати деб атар экан, бу юрtnинг гўзаллиги, одамларнинг омилкорлиги, жасурлиги, самовий отларининг доврғини ҳайрат билан тилга олади. Бу ўлкада хунармандчилик, меъморчилик, деҳқончилик ва чорвачилик тараққий этганини эътироф қилади. Шунингдек, яна бир қизик воқеадан хабар беради: Хан ҳукмдори совға сифатида бир арава олтин ва тилладан ясалган от ҳайкалини юборганида фарғоналиклар кўп эътибор

қаратмайдн. “Бизлар қимматбаҳо деб билган бу маъданни улар идиш-товоқ ясашда ишлатар эканлар”, деб ёзади “Шижи” муаллифи.

Бу маълумотларни ўқир экансиз, тарихда дунё қанақа бўлган, кимлар қандай яшаган деган саволларга муайян жавоблар оласиз.

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг ҳар қарич тупроғи — кўҳна ва азим тарихдан сўзловчи бепоен кўрғазма. Фарғона мана шу кўрғазманинг ноёб гавҳари. Унинг шонли ўтмиши икки

минг йил олдинги давлатчилик тарихимиздан хабар беради. Давлат юритиш учун маданий ва қонуний асос бўлиши шарт. Шу маънода, бу ерда икки минг йил олдин ҳам ижтимоий, маданий ривожланиш анча илғор бўлганига ишончимиз қомил. Вилоятнинг маданий тарихини Соймали ва Сўҳдан топилган қоятош суратлари ҳам тасдиқлайди. Улар Жиззахдаги Пешоғор, Навоийдаги Сармишсой тасвирларига



ЭЛЧИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Россия Федерациясининг

Учрашув

Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олег Мальгиновни қабул қилди.

Сўхбат чоғида элчининг Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятининг муваффақиятли ҳамда самарали даври сарҳисоб қилинди. Хусусан, сўнги тўрт йил ичида Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси қайд этилди.

Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги мунтазам

мулоқот, ўзаро ташриф ва учрашувлар мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги алоқаларининг янада кенгайишига муҳим туртки бергани алоҳида айтиб ўтилди. Мамлакатлар ўртасида юқори даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламентлар салоҳиятини ишга солиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мулоқотда халқаро парламент тузилмалари доирасидаги шерикликни янада мустақамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Учрашув якунида икки мамлакат халқлари манфаатлари йўлидаги конструктив ҳамкорликни янада фоллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунн муносабати билан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз хизмат вазифасини адо этиш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари билан учрашув ўтказди.

Тадбир

Унда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюммаси тарбияланувчилари, Ёшлар парламент аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, болаларни ҳимоя қилиш учун барча зарур шароитлар

яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари сони 40 дан, қонуности ҳужжатлари сони эса 500 дан ортиқ. “Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.



Ўзбекистон — Қозоғистон:

МУСТАҚАМЛАНАЁТГАН АЛОҚАЛАР ВА МУШТАРАҚ МАҚСАДЛАР

30-31 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги парламент делегацияси Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ташриф билан бўлди.

Парламент дипломатияси

Ташриф давомида қатор икки томонлама, жумладан, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Е. Кошанов билан учрашув ўтказилди.

Мулоқотда икки давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнги йилларда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаевнинг қатъий сиёсий иродалари, олий даражадаги учрашувлари туфайли Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари

юксак даражага кўтарилгани, кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Давлат раҳбарларининг парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга эътибор бераётгани, бу борадаги ташаббуслар ижросини таъминлашда парламентларнинг ролини янада ошириш мақсадида ўзаро алоқалар Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши даражасига кўтарилгани муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Қонунчилик палатаси Спикери Қозоғистон томонига Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалар-



да амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, Қонунчилик палатасининг фаолияти, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати, парламентлараро ҳамкорлик соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида, Е. Кошанов жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси юқори савияда ташкил этилгани ҳамда ушбу форум халқаро ҳамжамиятга нафақат янги Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг улкан салоҳиятини намоиш қилганини алоҳида эътироф этди.



Давлат бюджети ижроси:

МАБЛАҒЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ?

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йигилишлари бўлиб ўтди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор масалалар, жумладан, Давлат бюджети ва

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ҳамда 2025 йил биринчи чорақда ижроси тўғрисидаги ҳисобот атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йигилишида депутатлар Давлат бюджети ижроси барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш

ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини амалга оширишга қаратилганини алоҳида таъкидлашди.

Шу билан бирга, эришилган натижалар қатори айрим камчиликлар мавжудлиги айтиб ўтилди. Хусусан, ҳисобот даврида бюджетдан етарлича маблағлар ажратилишига қарамасдан айрим вазирлик ва идора-

лар маблағларни тўлиқ ўзлаштира олмагани ҳақли эътирозга сабаб бўлди.

Йигилишда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди.



Муносабат

ИНСОН ҚАДРИНИНГ ЯНА БИР ЯҚҚОЛ ИФОДАСИ

Инсоннинг қалби биргина ширин сўздан қувониб, тўлқинланиб кетади: яйрайди, яшнайдн, бошқаларга ҳам эзгулик соғинади, шодлик ва бахт улашади.

Жорий йилнинг 31 май санасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳаж зиёрати учун Маккаи муқаррамада бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилиб, ҳожилар ҳолидан хабар олгани қалбларимизга сурур, хурсандчилик ва шукроналик бахш этди. Давлатимиз раҳбари барча зиёратчиларга салом йўллаб, юртимизга соғ-омон келишларини тилади. Унутилмас бу воқелик ҳожиларимизни беҳад севинтирди.

Шуқрки, мамлакатимизда тинчлик-тотувлик барқарор. Ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб, бахтли-саодатли умр кечириши учун барча имконият мавжуд. Меҳнат қилган, ҳаракатда бўлган фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ўз орзу-ниятларига етмоқда. Албатта, бунда осойишталик неъматининг ўрни беқийс.

Янги Ўзбекистоннинг ҳар тонги тараққиёт тонги сифатида отмоқда. Барча соҳада янгилик ва яхшиликлар бўлмоқда. Жумладан, Ҳаж ва Умара тадбирларини юқори савияда ташкил қилиш, мўмин-мусулмонларнинг ушбу ибодатларини чиройли адо этишлари учун шароитларни ҳозирлаш янги босқичга олиб чиқилди.

Хусусан, бу йилги ҳаж мавсумига юқори даражада тайёргарлик қўрилди. Маккаи муқаррама ҳамда Мадина мунаввара, қолаверса, Мина водийсида зиёратчилар учун кенг имкониятлар муҳайё қилинди. Иссиқ кунларда юртдошларимизга қўшимча қудайлик яратиш мақсадида Арафот ҳудудидаги чо-

дирлар ёпиқ тарзда барпо этилди. Уларнинг атрофи иссиқ ўтказмайдиган панеллар билан ўралди, ичкарига совитиш тизими ўрнатилди, гилам ва тўшаклар солинди.

Мамлакатимиз ҳожиларига кўрсатилаётган эътибор, улар учун яратилган қудайликларни Саудия Арабистонининг ҳаж ишлари масъуллари ва ўзга юрт ҳожилари ҳам эътироф этиб, ҳавас билан қарамокда.

Айни пайтда зиёратчиларга 300 дан ошiq гуруҳлар раҳбарлари, 50 нафар олий тоифали шифокор, 10 дан зиёд ошпаз ва бошқа мутахассислар хизмат кўрсатиб, ҳамроҳлик қилмоқда.

Зиёратчиларимиз берилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлиб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилмоқда.

Зотан, юртимизда “Инсон қадрн учун” деган улугвор гоя ислохотлар асосини ташкил этаётган айни паллада ҳожиларимиз ҳам ушбу жараёнга ўз ҳиссаларини қўшишни астойдил ният қилган. Улар юртимизга қайтгандан сўнг бор куч-ғайратларини Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти, оилалар тотувлигини таъминлаш, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш, эҳтиёжмандларга қўмак беришдек савобни ишларга сафарбар қилишларини таъкидламоқда.

Зайинддин ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

Саудия Арабистони,
Макка шаҳри

ДУНЁ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИК — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Бугунги кунда дунё миқёсида геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар шиддат билан юз бераётган, турли таҳлиқалар кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир давлат барқарор ривожланишни таъминлаш учун ўзига хос йўл излаши табиий. Бу борада Ўзбекистон олиб бораётган ташқи сиёсат алоҳида эътирофга сазовор.

Мушоҳада

Мамлакатимиз ташқи сиёсатни прагматизм, очиклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига асосланган. Шу боис кейинги йиллар юртимиз ташқи сиёсати учун самарали ва фаол кечди. Айниқса, минтақавий ижобий ўзгаришларга эришишда ташқи сиёсатдаги изчиллик, ҳар қандай шароитда давлат манфаатини ҳимоя қилиш стратегияси, очиклик туфайли халқаро аҳамиятга эга амалий натижаларга эришилди. Дунёнинг барча давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли муносабат давом эттирилди.

Айтиш жоизки, ташқи сиёсий кун тартибидидаги барча тенденцияни мохир-

лик билан англаш ва миллий манфаатни ҳисобга олиш асосида, аввало, янги минтақавий дипломатия Ўзбекистоннинг қиёфасига айланди. Буларнинг бари мамлакатимизнинг нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда ҳам истикболдан дарак беради. Ҳозирги замонда глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланимоқда. Шу билан бирга, янги таҳлиқалар ҳам пайдо бўлмоқдаки, айни ҳолат дунё давлатларини юзага келаётган муаммоларга муносиб ечим топиш, сиёсий ва иқтисодий стратегияларни янгилашга мажбур этапти.



ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ОҒУШИДА

1 Соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида 23 та меҳрибонлик муассасаси ва болалар уйи фаолияти тугатилди. Мазкур йўналишда боланинг оила муҳитида тарбияланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя тизими йўлга қўйилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиқларининг ўз хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари билан самимий мулоқот бўлиб ўтди. Ҳар бир бола давлат ҳимоясида, унинг таълим олиши, соғлиги, ҳаёти сифати ҳамиша эътиборда экани таъкидланди.

Мамлакатимизда хизмат вазифасини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Мудофаа вазирлиги томонидан 2024 йилда 64 нафар, 2025 йилда эса 47 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандларига олий таъ-

лим муассасаларига кириш учун тавсияномалар берилган. Шунингдек, ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари ва фарзандлари ҳарбий шифоналарда мунтазам тиббий кўриклардан ўтказилмоқда, зарур ҳолларда даволаниши таъминланмоқда. Давлат байрамлари арафасида эса уларга совғалар топширилиб, маданий-маърифий тадбирлар ва концерт дастурларида иштирок этиши учун шароит яратилмоқда. Бундан ташқари, ҳалок бўлган ҳарбийларнинг 15 нафар оила аъзоси учун санаторийларда бепул дам олиш ташкил қилинган. Ёзги даврда эса уларнинг 37 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларида бепул ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади.

Урашувда Сенат Раиси болаларга мурожаат қилиб “Сизлар — юртимизнинг эртанги кунни, келажакимиз эгаларисиз. Билим олишдан тўхтаманг, янгиликларни ўрганинг, ўз устингизда ишланг. Орозу қилишдан қўркманг ва унга эришиш йўлида олға интилинг, шунда албатта мақсадингизга етасиз”, дея таъкидлаб болаларни руҳлантирди.

Ушбу очик мулоқот яна бир бор давлат раҳбари томонидан болаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг, айниқса, ижтимоий ҳимоя тизимида яратилаётган имкониятлар, кенг қўламли лойиҳалар ҳамда тизимли дастурлар жорий этилаётганининг ёрқин намунаси бўлди. Бу эса юртимизда ватанпарварлик, фидойилик ва садоқат каби муқаддас қадриятлар авлоддан-авлодга ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Бундай тадбирлар орқали давлатимизнинг энг муқаддас қадриятларидан бири — Ватанга садоқат йўлида жонини фидо қилганларнинг хотирасини эъзозлаш ва уларнинг авлодларига меҳр кўрсатиш аънанаси яна бир бор ўз ибботини топмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раиси болалар билан самимий суҳбатлашиб, уларнинг фикрлари ва орзу-истакларини тинглади, келгуси режалари билан танишди.

Тадбир якунида болажонлар байрам дастурхонига таъриф этилди ҳамда уларга эсдалик совғалар топширилди.

«Халқ сўзи».

ФАРЗАНД — НОЗИК НИҲОЛ

Болалар — бизнинг келажагимиз, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари, кўзимизнинг нури, қалбимиз сурури. Улар билан ҳаётимиз обод, кўнглимиз қарогон. Шу сабабли ҳам юртимизда навқирон авлод бахти учун ҳамма нафса муҳайё қилинган.

Фикр

Халқимиз азалдан ўзининг болажонлиги, болапарварлиги билан доврүк таратган. Ана шу тарихий анъанадан келиб чиқиб мамлакатимизда ҳам бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш учун зарур шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун ҳужжатлари сони 40 тадан, қонуности ҳужжатлари сони 500 дан ортиқ. Қолаверса, мамлакат аҳолисининг 35 фоизини (13 миллионга яқин) болалар ташкил этишини, яъни Ўзбекистоннинг ҳар учинчи фуқароси — бола эканини инобатга олиб Конституциямизда ҳам боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш кафолатлари қўнайрилди.

Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида қонунчиликни тубдан тақомиллаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Биргина 2024 йилда бола манфаатларини таъминлашга оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та Фармони ва 8 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори қабул қилинди.

Ўз навбатида, мазкур қонунчилик ҳужжатлари асосида болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоялашнинг ягона механизми жорий этилди, болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Фарзандни бежиз ниҳолга қиёслашмайди. Чунки биргина кичик ниҳол ўсиб-ўнishi учун қанчалик парварши зарур бўлса, болаларимизнинг қамолоти учун ҳам биз ота-оналар җамиятдан чексиз ғамхўрлик, меҳр-муруват лозим бўлади. Зеро, тўғри парваршиланган ниҳолгина келажақда бақувват, соғлом, азим чинорга айланади.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, боланинг оила муҳитида тарбия топишини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя тизими йўлга қўйилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, туман даражасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳодим фаолияти йўлга қўйилди.

Юртимизда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг җамиятга мослашувини таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, бу тоифадаги болаларни уларнинг энг устун манфаатларидан ке-

либ чиқиб муқобил шаклда яшаш манзилга жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Юртимизда 2021 йилга қадар давлат муассасаси шаклидаги 16 та меҳрибонлик уйи, 13 та гўдақлар уйи, 4 та болалар шахарчаси, 5 та оилавий болалар уйи, 3 та “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” фаолият юритиб, уларда 2 568 нафар бола тарбияланган.

Олиб борилган сайёҳаракатлар натижасида 23 та меҳрибонлик муассасаси ва болалар уйининг фаолияти тугатилди. Президентимизнинг етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳрибонлик муассасаларини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари асосида янги ноинституционал тузилма — оилавий болалар уйлари ташкил қилинишининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ана шу асосга кура ўғил-қизларимизнинг чинакам бахтли оилада тарбия топиши, ота-она меҳрини ҳис қилиши, ўз уйида ака-ука ва опа-сингиллари билан яшаши учун шароит яратиш мақсадида оилавий болалар уйлари ташкил этилди. Бугунги кунда 140 га яқин бу каби тузилмалар фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда келажагимиз бўлган ёшларни буюқ аждодларимиз каби гўзал ҳулқ ва одобли, билимли, дунё тамаддуни ривожига муносиб хисса қўша оладиган даражада қамолотга эришиш, юксак маънавий мезонлар билан ўйғунлашган умуминсоний қадриятлар руҳида ўлғайишини таъминлаш борасида барча бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши энг муҳим вазифаларимиздандир. Шу маънода, болалар масаласи Олий Мажлис Сенати фаолиятининг ҳам устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаш лозим.

Сенат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оилавий муҳит ва җамиятга мослашуви, уй-жой билан таъминланиши, ижтимоий ҳимояси, соғлиги ҳамда таълим олиши билан боғлиқ ҳуқуқларининг таъминланиши устидан тасирчан парламент назоратини олиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди ва ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Биз учун җамиятда бегона боланинг ўзи йўқ. Ҳар бир болага ўз вақтида етарлиқ меҳр кўрсатиб, уларни илмга, касб-хунарга ўргатсак ва яхши тарбия қилсак, ўз самарасини беради, албатта.

Орзуғул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон — Қозоғистон: МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН АЛОҚАЛАР ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

1 Шунингдек, у ассамблея доирасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузаси ва унда илгари сурилган ташаббуслар парламентаризм ривожини муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Томонлар икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган олий даражадаги келишувларнинг ижроси устидан тизимли парламент назоратини ўрнатишга келишиб олди.

Олий даражадаги келишувларнинг ижроси бўйича парламентарийлар фикр алмашди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги парламент делегациясининг Қозоғистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро ҳамкор-

лик кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Унда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари, ахборот технологиялари, шу жумладан, сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга эътибор қаратилди. Шунингдек, маданий-гуманитар ва туризм алоқаларини мустаҳкамлаш соҳаларидаги парламентлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмасининг ҳажми ортгани ва 2024 йилда бу кўрсаткич 4,3 млрд. долларга етганлиги ижобий баҳоланди.

Кенгаш ййгилишида 2030 йилгача Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 10 млрд. долларга етказиш бўйича давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишида парламентларнинг иштироки ва ўрни масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларга оид тузилган шартномаларни мунтазам равишда аудит-

Атҳам НАЗИРҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги парламентларо мулоқот анча фаоллашди. Томонлар қонун ижодкорлиги, жумладан, халқаро парламент тузилмалари доирасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида делегациялар ташрифларини мунтазам равишда амалга оширмоқда.

Давлатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолангани муносабатларимизни ҳар томонлама юқори даражага олиб чиқди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни яратиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Қозоғистон Республикасида ахборот технологиялари масаласи юзасидан тасдиқланган ва амалга оширилаётган 2024 — 2029 йилларга мўлжалланган сунъий интеллектни ривожлантириш концепцияси бўлса, Ўзбекистон Республикасида Президентимиз қарори билан қабул қилинган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси мавжуд.

Ушбу стратегияда сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 млрд. АҚШ долларига, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улущини 10 фоизга етказиш белгилаб қўйилган.

Айтиш жоизки, сунъий интеллект соҳасида малакали кадрларга эҳтиёж юқори. Айни пайтда Ўзбекистонда “Сунъий интеллект” мутахассислиги бўйича 2 минг нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги мажлисида барча соҳалар қатори ушбу йўналишдаги алоқаларни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани аини мудоо бўлди. Хусусан, рақамлаштириш, сунъий интеллектни жорий этиш, катта маълумотлар базасини яратишнинг умумий, ўйғунлаштирилган ҳуқуқий асосларини яратиш масалаларини муҳокама қилиб олдик.

Халқ сўзи

ирасида “Farabi Hub” инновацион марказида ҳам бўлди.

Делегация аъзолари ушбу марказда ёшлар тадбиркорлиги, стартаплар, ахборот технологиялари ва рақамли трансформация соҳасидаги ташаббуслар билан танишди. Шунингдек, Қозоғистон Миллий санъат музейида бўлиб ўтаётган “Урол Тансиқбоев: ижодий ретроспектива” кўргазмаси билан танишилди.

Қозоғистон томони мазкур кўргазмани кенг қўламда ва юқори савияда ташкил этишдаги ташаббус ва фалол иштироки учун Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш җамғармасига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Абилхан Кастеев номидаги Миллий санъат музейига ташрифи Қозоғистон җамоатчилиги томонидан жуда юқори баҳолангани, кўргазма эса икки мамлакатнинг бой маданий меросининг ёрқин ифодаси, халқларимиз ўртасидаги маданий алоқалари рамзларидан бири бўлганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон парламенти делегациясининг Олмаота шаҳри ҳокими Д. Сатибалди билан ҳам учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Галия РАЙХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Парламентлараро ҳамкорлик кенгашининг иккинчи сессиясида муҳокама қилинган истикболли йўналишлар — иқтисодиёт, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, шунингдек, маданий-гуманитар алоқалар ва туризм Марказий Осиё давлатларининг барқарор ва ўзаро манфаатли ривожланишининг устувор йўналишларига тўлиқ мос келади.

Шу ўринда учрашувнинг юқори даражада ташкил қилингани ва мулоқотнинг амалий аҳамиятини қайд этиш жоиз. Чунки учрашув давомида амалдаги лойиҳаларга конструктив баҳо берилди ва ҳамкорликнинг янги форматлари тақлиф этилди.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги келишувларни амалга ошириш, хусусан, савдо, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек, экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда эришилган ютуқлар тасдиғи мамнуният билан қабул қилинди.

Ал-Форобий номидаги Қозоқ Миллий университети қошидаги инновацион кластер фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилгани учун алоҳида миннатдорлик билдиравимиз. Ушбу платформа стартапларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ташаббусларини илгари суриш ва юқори технологияли ечимларни татбиқ этиш имкониятлари билан хайратда қолдирди. Ёшлар ўртасида инновациялар ва тадбиркорлик экотизимлари ҳам фаол ривожланаётган Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳим.

Кенгашнинг биринчи ййгилиши якунлари бўйича келишилган “Йўл харитаси”нинг муваффақиятли амалга оширилгани мамлакатларимиз университетлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ўқув юртлари ўртасида 280 дан ортиқ ҳамкорлик шартномалари амал қилмоқда. Туризм соҳасида ҳам қўллаб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Қўшма йўналишларни ишлаб чиқиш, умумий маданий меросни тарғиб қилиш ва туризм саноатини рақамлаштириш Марказий Осиёни ички ва ташқи туризм учун янада очик қилади.

Ишончимиз комилки, бу йўналишдаги мувофиқлаштирилган ёндашув нафақат минтақанинг жозибадорлигини ошириш, балки маданиятлараро ўзаро тушунишни ҳам мустаҳкамлаш имконини беради. Кенгашнинг иккинчи ййгилиши якунлари юқори даражадаги ишонч ва алоқаларни янада чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдор эканини кўрсатди.

«Халқ сўзи».

БУЮК ШОИРНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ БОЛАЖОНЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари Федерацияси саройида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда юртимиздаги оилавий болалар уйлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қатнашди. Федерация қошида ташкил этилган “Қалдиғоч” болалар театри томонидан Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони мотивлари асосида намойиш этилган мусиқали спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Таассурот

Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тарққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғонish даври — учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги даврда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ёш авлодга юксак инсоний ғазилатларни болалиқдан сингдириш, уларда миллий қадриятларимизга эҳтиром, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зотан, миллатимиз ғажр-ифтихори бўлган улуг бобокалонимизнинг ижоди инсонни тўла-тўқис покланиш йўлига олиб чиқишга қаратил-



ган. Унинг ҳар бир асарига камтарлик, бағрикенглик, аҳиллик, сабрқаноат, эзгулик, дўстлик улуғланиб, қибрланиш, мағрурланишу манманлик қаттиқ қораланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамлилик, гуманизм ғояси бўлади”, деган даъвати том маънода улуг бобомиз асар-

ларини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш вазифасини кун тартибига қўйди. Алишер Навоий ғоялари ёшларимизда миллий руҳнинг юксалишига хизмат қилади, уларнинг ўзлигини англашига, юксак ҳулқ-атворга эга бўлишига, инсон қамолоти борасидаги ўғитларидан ўзига керакли ҳулосалар чиқариб олишига туртки беради.

Шу маънода, улуг бобокалонимиз асарларида кўтарилган ғояларни болаларбоп қилиб тушунтириш дозарб вазифалардан бири. Бу йўлдаги амалий ҳаракатлар давлатимиз раҳбари томонидан Алишер Навоий ижодини тарғиб этиш бўйича мунтазам бериб борилаётган топшириқлар ва ташаббусларга ҳамоханг руҳда давом эттирилмоқда.

Саҳналаштирилган спектаклда Алишер Навоийнинг гуманистик ғояларини ифодалаган қўллаб ҳикматли сўзлари, ўғит ва насиҳатлари гўзал куй-қўшиқлар воситасида тақдим этилди. “Лисон ут-тайр” (“Қўш тили”) достонида бош қоллипловчи ҳикоя асар сюжетини ташкил этади. Унга кўра, жаҳон қўшлари ййгили-

шиб, ўз мартабалари юзасидан баҳслашади. Сўнг бу бахсларга ечим фақат Семурғ қўлидан келишига ишониб, уни излаб йўлга тушади. Йўл жуда узок, етти таҳлиқали водийдан ўтиш орқали манзилга етиб боради. Йўлда дуч келган ва кўрган воқеалар уларнинг қамолотига сабаб бўлади. Манзилга етгач улар Семурғ аслида ўзлари эканини, яъни йўлга чиққан ўттиз қуш (симург — форсча ўттиз қуш дегани) инсон босиб ўтиши лозим бўлган қамолот йўли эканини англайди. Буюк шоир бу достони орқали инсон бутун умри давомида қомиллик сари интилиши лозимлигини, ҳаётий тажриба уларни етуқликка олиб боришини таъкидлайди.

Бундай саҳна асарлари миллатимизнинг улуг мураббийи — ҳазрат Алишер Навоийни болажонларга яқиндан таништирибгина қолмай уларни яхшилик, аҳиллик, савийлик, дўстлик, ҳалоллик ва бирдамлик каби умуминсоний қадриятлар билан ошно қилиши, ёшларнинг маънавий тарбиясига катта хисса қўиши, шубҳасиз.

Шўҳрат СИРОЖИДИНОВ,
академик.

КАФТИМИЗДАГИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ — ФАРОВОНЛИККА ҚАДАМ

Самарқанд шаҳридаги “Silk Road Samarkand” халқаро туризм марказида ўзаро стратегик шериклини мустаҳкамлаш, ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда сармоя ва ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон — Хитой ҳудудлараро иккинчи форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ишбилармон доиралари, ҳукуматлар, вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, фан ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Форум

Анжуман доирасида “Кафтимиздаги Буюк Ипак Йўли — Ўзбекистон ва Хитой инновация ҳамда тадбиркорлик бўйича ҳамкорлик” халқаро аёллар форуми ҳам ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова, Хитой Халқ Сиёсий маслаҳат Кенгаши 14-қақирқ ййгилиши раисининг ўринбосари, ШХТнинг қўшинчилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раиси Шань Юэюэ, Тадбиркор аёллар ассоциацияси вице-президенти, Шэньси музофоти аёллар федерациялари масъул раҳбарлари, 40 га яқин тадбиркор аёллар, Ўзбекистон томондан вазир ўринбосарлари, Самарқанд вилояти маҳаллий давлат органлари ва фуқаролик җамияти институтлари вакиллари аёлларнинг инновацион ташаббуслари ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш масалаларини кенг муҳокама қилди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Пойтахтимизда «Медиаия институти ривожланишининг замонавий тенденциялари ва суд амалиёти» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ДУНЁ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИК — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

1 Жиддий геосийёсий нотинчликлар, Яқин Шарқ ва Шарқий Европадаги можаролар, санкциялар уруши, ҳатто ядровий таҳдидларга оид “совуқ уруш” услубидаги риториканинг қайта тикланиши Марказий Осиёда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари глобал ва минтақавий можароларга аралашмаслик, бетарафликни сақлаш ниятларини қайта-қайта таъкидлайди. Бу стратегия туфайли минтақамиз давлатлари ҳам Шарқ ва Ғарб, ҳам Жануб ва Шимол давлатлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни давом эттирмоқда. Асосий мақсад — кескинлашувларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшиш ва дўстона муносабатлар форматини сақлаб қолишдир. Шубҳасиз, бу масалалар Ўзбекистон ташқи дипломатияси кун тартибидога доимо долзарб.

Албатта, дунёдаги жараёнлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ташқи сиёсий курсни белгилаш ва амалга оширишда инobatга олинади ва чуқур таҳлил қилинади.

Бу ҳақда сўз кетганда, 2016 йили Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатида мислсиз фаоллик, ўзгаришлар даври бошланганини эътироф этиш лозим. Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсий фаолиятда устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро дўстона, яхши кўшничилик муносабатларини шакллантиришни устувор вазифа қилиб белгилади. Бу борада нисбатан қисқа давр ичида амалга оширилган ишларни эндиликда халқро ҳамжамият ҳам тан оляпти.

Кенгроқ нуктаи назардан қараганда, энг муҳим ижобий натижа шундан иборатки, бешта давлат халқро ҳуқуқ субъектлари сифатида пайдо бўлиб, чексиз урушлар гирдобида қолиб кетишдан қочди. 1990-йиллар бошида айрим танқидий экспертлар томонидан башорат қилинганидек, Марказий Осиёнинг “болқонлашуви” ва “афғонлашуви” ҳақидаги номақбул башоратлар амалга ошмади.

Бундай прогностларнинг пайдо бўлиши беҳиз эмас эди, албатта. Очигини айтганда, бундан бор-йўғи саккиз йил олдин чегараларимиз деярли тўлиқ ёпилган, чегара ҳудудларидоги можаролар ва миналанган далалар, транспорт блокадалари ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларга ҳам соя солаётган эди. Сув ресурсларидан, йилловлар ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича тинимсиз тортишувларнинг очик қарама-қаршиликка айланиб кетиш хавфи ҳам юзага келганди.

Минтақадаги айрим кучлар ишончсизлик руҳини авж олдириш ва умум-

мий тарихий меросимиздан ўз манфаатлари учун фойдаланиш орқали муҳолифлик ва рақобатни келтириб чиқарарди. Буларнинг барчаси асрлар давомида ёнма-ён, тинч-тотув яшаб келган, бир динга эътиқод қилган, умумий урф-одат ва анъаналарга эга бўлган, минглаб кўринмас ришталар билан боғланган Марказий Осиё халқларининг маданий-цивилизациявий қадриятларига мутлақо зид эди. Фақат Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан минтақада ҳамжиҳатлик руҳи пайдо бўлди. Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги яхлит Ташқи сиёсат доктринасида Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланди.

Кўшилар билан ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига эришиш энг муҳим мақсад қилиб қўйилди. Ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўймадик, очик-

шувларни мақбуллаштириш, яқинлаштириш ва бирга ҳаракат қилиш нима учун муҳим, деган савол юзага чиқади. Энг аввало — Ўзбекистон атрофида тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш, бу орқали минтақамиз халқлари фаровонлигига эришиш. Зеро, хавфсизлик бўлмас экан, тараққиёт ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида намоён бўлаётган кўп қиррали фаолият, жумладан, хорижий давлатлар, халқро ва минтақавий ташкилотлар билан ўрнатаётган дипломатик муносабат, глобал миқёсдаги долзарб масалалар бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар, олиб борилаётган мулоқотлар, биринчи навбатда, халқимиз тинч, хавфсиз яшаши, эркин фаолият юритиши, замонавий билим олиши, янги касбларни эгаллаши, тадбиркорлик билан шўғулланиши учун барча шарт-шароитни яратиш ҳамда аҳоли муҳофазасини давлат томонидан таъ-

янги, очик, соғлом ва дўстона сиёсий-иқтисодий, маданий-гуманитар муҳит яратилди.

Биринчи навбатда, кўшни давлатлар билан прагматик ҳамда стратегик муносабатлар мустаҳкамланди ва кенгайтирилди. Кўп йиллар давомида сақланиб келаётган чегара, сув ва энергия тақсими, эркин ҳаракатланиш ва бошқа муаммолар ечим топа бошладди. Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Туркменистон каби қардош мамлакатлар билан бир қаторда халқро ҳамжамият томонидан доим хавф-хатар ўчоғи сифатида кўриб келинган кўшни Афғонистон билан муносабат фаоллашди. Ушбу давлатда тинчлик ўрнатиш, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсатнинг ижобий натижаси экани бугунги кунда халқро ҳамжамият томонидан кенг эътироф қилинмоқда.

Эътиборли жиҳати, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо, инвестиция, транспорт, энергетика ва инновация, “яшил” технология соҳаларидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида кўп қиррали ҳамжиҳатлиқни кенгайтириш, минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан мушоҳада юритиш, замонавий мулоқотни йўлга қўйишга киришилди. Натижада Марказий Осиё кейинги йилларда иқтисодий ўсиш ва фаол инвестиция маркаларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Жумладан, охириги 7 йилда минтақа иқтисодиёти 6,3 фоиз ўсиб, ЯИМ миқдори 450 млрд. долларга яқинлашди. Ташқи савдо айланмаси икки баробар кўпайиб, қарийб 225 млрд. долларни ташкил этди. 2016 — 2022 йилларда Марказий Осиёга инвестиция киритилиши борасидаги кўрсаткичлар жаҳондаги умумий ҳаҳминг 1,6 фоизидан 2,8 фоизгача кўтарилиб, 2022 йилда қарийб 40 млрд. долларга етди. Бу — 2016 йилдагига нисбатан 50 фоиз кўп. “Boston Consulting Group” башоратига кўра 2030 йилгача Марказий Осиё 170 млрд. долларлик инвестиция жалб қила олади. Шунинг 40 — 70 млрд. долларни хомашё бўлмаган соҳаларга йўналтирилади.

Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари ҳамда ҳамкор мамлакатлар, жумладан, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Венгрия, Япония, Ҳиндистон, Араб давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарди. БМТ, ШҲТ, МДҲ, Туркий давлатлар ташкилоти, Жаҳон банки каби халқро ва минтақавий таш-



килотлар, молиявий институтлар билан алоқалар юқори поғонага кўтарилди.

Марказий Осиё давлатлари ва халқро манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқаётганда, “5+1” форматининг аҳамияти ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. Ушбу дипломатик ташаббус минтақавий бўлмаган иштирокчиларни ҳамкорликка қорлаш нуктаи назаридан муваффақиятли ташаббусга айланди. Бундай стратегик ёндашув минтақанинг сиёсий макъеи ва иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ёрдам беради ва шу орқали унинг кенгроқ Евроосий контекстида ўзига хос қийматини оширади. Глобал кучлар билан ҳамкорликда кўп қутбли ва мувозанатли ёндашув Марказий Осиё учун устувор вазифа бўлиб қолади. Масалан, Марказий Осиёдаги кўп томонлама муносабатларнинг воситаларидан бири “5+1” формати бўлиб, у минтақа давлатлари ва уларнинг хорижий ҳамкорлари ўртасидаги мунтазам мулоқотнинг муваффақиятли ва долзарб механизми эканлигини исботлади. Бу ўринда гап суверен ривожланиш йўлидан бориш масаласи ҳақидадир. Шундай қилиб, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда минтақамиз учун Россия, Хитой, АҚШ, Ғарб ва Осиё давлатлари билан муносабатларда мувозанатни сақлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар даврида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бугунги кундаги ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топади. Стратегияда мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагма-

Мухими, Ўзбекистон самарали ташқи сиёсат туфайли иқтисодий ўсиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишга эришиди. Ташқи сиёсатимиз эса барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Дунёдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини янада такомиллаштириш, дунё билан ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида изчил қадамлар ташлашда давом этаверади.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Давлат бюджетни ижроси:

МАБЛАҒЛАРДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ?

1 Айтилганидек, жаҳонда халқро савдодаги мураккаб вазиятларга қарамай ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 6,8 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,5 фоиз, бозор хизматлари 12,6 фоиз, қурилиш ишлари 10,8 фоиз ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш 3,8 фоизга ошган.

Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджетни даромадлари 104,5 фоизга бажарилгани ҳамда харажатлар бўйича режа кўрсаткичлари 92 фоизни ташкил қилгани бюджет барқарорлиги таъминланаётганидан далолат бермоқда.

Муҳокама давомида эришилган натижалар билан бирга, айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқидий баҳоланди. Фракция аъзолари ушбу камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Кун тартибидоги барча масала атрофида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида айтилганидек, ижтимоий харажатларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан умумий харажатларнинг 49 фоизи миқдорига маблағ сарфланган. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми, яъни 46,8 фоизи таълим муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга сарфланган.

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий 10 ўрта таълим мактаблари сони 2024 йилда 10 050 тани ташкил этган ва уларни сақлаш харажатлари учун бюджетдан 36 203,5 млрд. сўм маблағ харжланган.

Фракция аъзолари “Эл-юрт умиди” жамғармасининг харажатлари ижроси масаласига ҳам эътибор қаратди. Таъкидланганидек, жамғарманинг ўтган йилдаги харажати атиги 383,4 млрд. сўмга етган. Вохоланки, “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Қонуннинг 3-илловаси билан мазкур жамғара харажатларининг чекланган миқдори 560,8 млрд. сўм этиб таъкидланган эди. Жамғара харажатларининг ҳақикатдаги ижроси қонун билан чекланган миқдорга нисбатан 171,4 млрд. сўмга кам ёки 68,4 фоизга ижро қилинган ҳолос.

Депутат Баҳодир Маматхонов Давлат бюджетининг 2025 йил биринчи чорадаги ижроси муҳокамасида мактабларда кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул тўғарақлар очиш масаласини кўтарди.

Депутатнинг қайд этишича, фракция ташаб-

буси билан бу мақсад учун 2025 йил бюджетидан қўшимча 200 млрд. сўм ажратиш масаласи ҳал қилинган эди. Лекин жойлардаги ўрганишлардан маълум бўлдики, бу борадаги ишлар ҳамон бошланмаган.

Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги вакили бу масала бўйича тегишли идоралар билан келишилиб, қарор лойиҳаси тайёрлангани ва у яқин кунларда имзоланишини айтди.

Фракция аъзоси Козим Тожиев эса мактабларда ўқувчиларнинг ёғзи таътилини мазмунли ташкил этиш мақсадида йўлга қўйилган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси масаласини кўтарди. Депутатнинг таъкидлашича, ўқитувчилардан лойиҳага аини пайтда ёғзи таътилга чиққан устозлар ҳам жалб қилинаётгани юзасидан эътирозлар бўлмоқда. Лекин улар қўшимча рағбатлантирилаётгани йўқ.

Ушбу масала бўйича ҳам тегишли мутасаддилардан атрофида изох олинди.

Муҳокамада ушбу ҳисобот депутатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, бюджетдан ажратилган хар бир сўмдан самарали ва мақсадли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида бугунги мураккаб иқтисодий ва молиявий вазиятга қарамаздан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат томонидан устувор аҳамият берилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ва соҳа инфратузилмасини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

2024 йил якунига қадар Давлат бюджетининг даромад қисми 274,4 трлн. сўмни ташкил этгани ва бу кўрсаткич 2023 йилдагига нисбатан 18 фоизга ошгани маълум қилинди. Марказлашган инвестиция лойиҳалари доирасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги 178 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлаш учун 1,4 трлн. сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилган.

Депутатлар тиббиёт муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун 114,2 млрд. сўм маблағ ажратилганини, бу ишлар натижа-сида 156 та тиббиёт объекти фойдаланишга топширилиб, 13 122 ўринли ва 10 570 қатновли бино ҳамда 30 та турли тиббиёт иншоотлари барпо этилганини эътироф қилди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан айрим вазирлик ва идоралар маблағларни ўз вақтида ўзлаштирмагани, уларнинг самарасиз ва нотўғри йўналтирилгани, субсидия



ва имтиёзларни тақсимлашда қатор камчиликларга йўл қўйилгани танқид қилинди. Хусусан, фракция аъзоси Наримон Умаров мактабгача ва мақтаб таълими соҳасидаги ҳолатларга тўхталиб, ушбу тизим юқори натижаларга эришиб келаётганига қарамай режалаштирилган 12 млрд. сўмлик субсидияларнинг фақат 27 фоизи амалга оширилганини билдирди. Шунингдек, ўқув дарсликларининг етишмаслиги ва бу бўйича мутасадди ташкилотларнинг ҳаракатлари ҳам алоҳида тилга олинди.

Депутатлар ушбу соҳани янада ривожлантириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дунёдаги мураккаб вазият, қутилмаган иқтисодий ва молиявий қийинчиликларга қарамаздан Хукумат томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани, умумий ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани айтилди.

2024 йилда Давлат бюджетининг даромадлари 274,4 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 18 фоиз ошган. Ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетдан 153,2 трлн. сўм ёки умумий харажатларнинг 49 фоизи сарфланган.

Камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли

турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетининг 12 фоизи сарфланиб, 720 мингга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилган. Бу натижалар ўзХДП электорати манфаатлари таъминла-нишида долзарб ижтимоий аҳамиятга эга экани билдирилди.

Депутатлар ҳисоботда вазирлик ва идоралар томонидан маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмагани, самарасиз ишлатилаётгани, нотўғри ажратилган субсидиялар мавжудлиги, имтиёзлар ноўрин ажратилганини таъкидлаб, уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар берди.

Фракция аъзоси Фирдавс Шарипов аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари яратишга қаратилган дастурларни молиялаштиришда янада аниқ механизмлар ишлаб чиқиш зарурлиги, кам даромадли оилалар учун ўй-жой масаласини ҳал этишда давлат жамғармалари иштирокини кучайтириш лозимлигини билдирди.

Шу билан бирга, депутат Имомназар Турсунов ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган харажатлар самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Ҳисобот муҳокамаси давомида депутатлар Давлат бюджетни ижросини назорат қилиш, унда аҳоли манфаатларини тўла акс эттириш масалалари ҳақида фикрлар билдириб, кўриб чиқилган масалаларни қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Экологик партияси фракция-

си йиғилишида фракция аъзолари томонидан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, чиқиндиларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш, Оролбўйи ҳудудида экологик ҳолатни яхшилаш, қишлоқ ҳўжалигида инновацион технологиялар ва янги самарали услубларни қўллаш ҳисобиға ер унумдорлиги ҳамда унинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирларига Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан ажратилган маблағларнинг натижадорлигига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, 2024 йилда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан 6,2 трлн. сўмга яқин маблағ йўналтирилган. Мазкур маблағлар ичимлик суви ва оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлашга, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига, сув тежовчи технологияларни жорий қилишга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва чиқиндиларни утилизация қилиш жиҳозларининг давлат кадастрларини юритиш билан боғлиқ харажатларга, Оролбўйида амалга оширилаётган экологик тадбирларга сарфланган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан 913,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. Ҳисобот даврида Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида 124,5 минг гектар, тоғолди ва бошқа ҳудудларда 1,5 минг гектар майдонда ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш тадбирлари бажарилган.

Шу билан бирга, ўрмон тадбирлари учун 700 тонна чўл ва бошқа турдаги ўсимликлар уруғлари тайёрланган. Ҳўжаликларда 487 гектар ниҳолхона ва кўнатоҳларни ташкил қилинган. Чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларида чўлланги ва кум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 257 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари (ихота) барпо этилган.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган экологик тадбирларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатларни, чиқиндиларни йиғиш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш учун ажратилган маблағларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ўзлаштириш, улардан оқилона фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

2025-2026 йилларда тоғ ва тоғолди ҳудудларида 500 гектарда «терраса» усулида даракт ва бута қўчатлари экиш қўзда тутилган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:



Фарғона не-не асрлар мобайнида турли кунларни бошдан кечириб, ўзлиги, кўрку виқорини авайлаб сақлаб келган. Оташқалб шоир Чўлпоннинг куйидаги мисралари унинг яқин тарихидан сўзлайди:

Эй гўзал Фарғона, қонли
кўйлагингдан айланай,
Тарқалиб кетган қора, ваҳший
сочингга бойланай...

Ваҳший бир ўрмон каби
бағрингни босмиштир қамиш,
Кўзларингга ҳеч кўринмас
бир олов, бир ўт ёниш...

Шукрки, жадид боболаримиз орзулари рўёбга чиқди: бир асрдан зиёд ҳукм сурган мустамлака ўрнида озод ва хур Ўзбекистон қад ростлади. Шу назардан қаралса, бугунги Фарғона ҳуррият либоси билан безанган. Осмонда бахтнинг юлдузи ўйнаган, бағрида қамиш эмас, халқ хизмати учун қурилган бино ва иншоотлар қад ростлаган, халқда шижоат, ишонч, эркинлик ўти ёнган.

Халқ оғзаки ижодида "Бир қозонда қирқ хил таом" деган эртак бор. Шу гап фарғоналиклар шашнига айтилгандек. Бир дарахтдан ўн хил мева, бир қарич ердан қирқ хил неъмат олади-ганлар ҳам шу кишилар. Чунки уй томига гул ёки сабзавот экканлар, бир неча қават иссиқхона қурганлар, ҳар бир узумнинг бошини алоҳида ўраб парваришлаб, мисли қўрилмаган ҳосил етиштирган ҳам фарғоналиклар.

Фан, санъат ва адабиётни айтмай-сизми? Дунёдаги илк шоира аёллар мактаби Қўқонда бўлгани ҳақиқат. Дунёвий фанларда Аҳмад Фарғоний доврўғи оламга таралган бўлса, Қўқондан Абу Тойиб Тоҳир ибн Муҳаммад Хўқандий, Марғилондан эса Бурҳониддин Марғиноний, Али ибн Абдулазиз Марғиноний, Ал-Ҳасан ибн Али Заҳируддин Марғиноний, Шайхул-имом Абул-а-имма Абдулазиз Марғиноний каби зотлар етишиб чиққани фахримиз.

Фарғона санъати, айниқса, баланд пардаларда бошланиб авжга чиқадиган ва бир неча авждан иборат мумтоз қўшиқчилиги дунёда ягона бўлса ажабмас.

Агар икки минг йил олдин Фарғона теваарак-атрофидаги Қангли, Ғузёр, Хўнлар давлати ва Хан империяси билан алоқаларни йўлга қўйган бўлса, бугун дунёнинг ўнлаб давлатлари билан тенг ҳуқуқли амалий алоқалар иштирокчиси. Сўнгги йилларда Миср, Аф-

рика ўлкалари, Марокаш, Перу, Коста-Рика, Колумбия, Канада, Буюк Британия, Сербия, Словакия, Аргентина, Иордания, Кувайт, Франция сингари мамлакатлар билан ҳамкорлик қўлами кенгайиб бораётир. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти Италия, Япония, Испания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Тунис, Туркияга аввалгидан кўра бир неча баробар ортган. Турли мамлакатлар ишбилармонларининг инвестиция киритиши юртимизнинг осудалиги ва ишончлилигини оширади.

Бирга ўн, юзга минг

Худуд саноатида кечагина "нолдан бирни яратиш" учун жон куйдирилган эди. Бу кўлам қонунчилиқни янги даврга мослаш, замонавий технологияларни жорий қилиш ва рақамлаштириш орқали бунёд бўлди. Жамият тараққиётида "ноль" ва "бир" нимани англатишини зукко кишилар билади, албатта. Эндилқда эса "бирдан мингга яратиш" таомиллига ўтилди. Кейинги босқич "мингдан миллионни яратиш" бўлиши Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида марра қилиб белгиланган.

Далилларга мурожаат қилсак: кечагина Фарғонанинг бир йиллик инвестиция марраси ярим млн. доллар эди. Бугун туманлардаги оддий тадбиркорларнинг айланма маблағи бундан кўпроқ. Вилоят миқёсида биргина ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1,8 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 35 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилган. Сўнгги етти йилда эса вилоятда саноат корхоналари 2,8 баробар кўпайиб, 13 мингтага етди. Бу йил вилоят иқтисодиёт тармоқларига 3,7 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий сармоя жалб этилиши режалаштирилган. Шунингдек, 1,5 млрд. долларлик маҳсулот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2024 йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Қўқон шаҳрида махсус саноат зонаси — Қўқон технопаркини ташкил этиш топшириғи берилган эди. "Қўқон феномени" деб ном олган бу замонавий комплекс учун 230 гектар ер ажратилиб, дастлабки босқичда 1,5 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва камиди 5 мингта иш ўрни яратиш бўйича савий-ҳаракатларга киришилди.

Ўтган йили вилоятда саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 1182 та лойиҳа фойда-

ланишга топширилиб, 36 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Натижада нефть, калава ип, тикув-трикотаж, кимё, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари вило-



ят иқтисодиёти драйверига айланиб улғурди.

Бу йил вилоятда 450 мингга яқин юқори даромадли иш ўринлари яратилиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 108,3 трлн. сўмга етказиш мақсад қилинган. 6 млрд. доллар микдоридagi инвестиция лойиҳаларини бошлаш ҳамда 1,2 мингта инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шаҳар ва туманларда 1210 гектар ерда Хитой тажрибаси асосида "Фарғона: янги имкониятлар" деб номланган махсус саноат зоналари ташкил этилади.

Вилоят тадбиркорлари делегацияларини дунёнинг энг ривожланган давлатларига хизмат сафарларига юбориш, ўзaro тажриба алмашиш ва янги ҳамкорлар жалб қилишга қаратилган амалий ишлар доирасида имзоланган ҳужжатлар бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, умумий қиймати 5,2 млрд. доллар бўлган 158 та лойиҳани амалга оширишга киришилди.

Хозирги кунда вилоятда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларига қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорт қилинаётган бўлса, мавжуд хорижий корхоналар сони 800 дан зиёдни ташкил этади. Хитой, Жанубий Корея, Россия, Германия, Сингапур, Таиланд сингари давлатлар билан инвестициявий ҳамкорлик қўлами йил-

ЯНГИЛАНИШ,

дан-йилга кенгайиб бормоқда. Шу кунларда Россия Федерациясининг Омск ҳудудида Фарғона улғуржи тақсимлаш логистика марказининг биринчи босқичи ишга тушди. Бундай марказлар тез орада бошқа мамлакатларда ҳам иш бошлайди.

Айни жараёнда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда Марказий банк билан ҳамкорликда Жаҳон банки маблағларидан молиялаштирилиши кўзда тутилган умумий қиймати 34 млн. долларлик 28 та истикболли лойиҳанинг манзилли рўйхати шакллантирилган.

Вилоятдаги қулай сармоявий муҳит, хорижий тадбиркорлар иштирокида очилаётган янги корхоналар ҳақида гап кетганда, нурунийлар даврасида, ҳатто маҳаллалардаги оддий гурунларда ҳам "Дунё билан бўйлашиш хайрли иш. Уларни қўриб, тадбиркорларимизнинг кўзи пишсин, тажрибаси оқсин", деган фикрлар янграйди. Ҳа, инвестициянинг рақамлардан ташқари яна бир кўрсаткичи бор, бу — худудга технология янгиликларининг кириб келиши ва мутахассислар билим ва тажрибасини бойитиш.

ланмоқда. Яна бир фахрли томони — ўз аэропортига эга!

Вилоятда Фарғона ва Қўқон аэропорти халқaro даражада таъмирланиб, ишга туширилди. Албатта, халқaro ёрлик олиш учун аэропорт замонавий талабларга монанд бўлиши керак. Вилоятда айни жиҳатга алоҳида диққат қаратилаяпти. Зотан, аэропорт — мисоли дарвоза. Худудга келган киши борки, аввало, мана шу дарвозадан бўйлайди. Шу боис унинг чиройи, муҳташамлиги, йўловчиларга қулайлиги, шинамлиги муҳим.

Аслида, Фарғонада дунёга кўз-кўз қилишга арзийдиган масканлар анчагина. Марғилон, Риштон, Миндон, Қува, Водил, Шоҳимардон — булар водийнинг кўҳна гўшалари. Жозибадор сайёҳлик манзили ўлароқ уларнинг ҳар бирида этно ва экотуризм, тиббиёт ҳамда гастрономик туризм йўналишлари ривож топиши йўлида талай ишлар амалга оширилмоқда. Этнотуризмнинг ўзига хослиги — хорижий сайёҳлар қишлоққа келиб бир неча кун яша-шади, халқнинг урфлари, тўй-маросимларига шохид бўлишади. Водийдаги "туризм қишлоқлари"да халқимизнинг фазилатлари, анъаналарига лол қолган туристларни кўп учратиш мумкин. Сайёҳлар тўй-маросимларимизни, байрамларимизни қўриб, анграйиб қолганига кўпчилигимиз гувоҳимиз. Хунармандчилик, санъат ва урфлар, кулинария туризмнинг ўзидек минглаб сайёҳларни ўзига маҳлиё қилади. Риштон паловининг шўхрати аллақачон уммонлар оша ўзга юртларга етиб борган. Яна бир қизиқ йўналиш ривож топмоқда: бу "асал ойи" туризми. Бугун сайёҳлар қаторида хорижий ёшларни ҳам кўрса бўлади.

Бу йил Фарғона ярим млн.га яқин хорижий сайёҳни кутиб олишни кўзла-гани. Бунинг учун вилоятдан Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония, Малайзия, Франция, Германия, Италия каби давлатларга авиақатновлар йўлга қўйилади. Маҳаллий сайёҳлар учун "Олтин водий" туризм ҳалқаси ташкил этилади. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан жорий йилда Риштон туманидаги Мамадали Топволдиев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини "туризм маҳалласи"га, Фарғона шаҳридаги Соҳибқирон Темур кўчаси "туризм кўчаси"га айлантирилмоқда. Аввал Чимён, Водил, Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларини "туризм қишлоғи"га айлантириш бўйича белгиланган юмушлар ниҳоясига етказилаяпти. Қувадаги Қарқидон, Ёзёвондаги Марказий Фарғона сув омбори худудларида экотуристтик манзиллар барпо этиш ишлари қилинган. Бе-



Исажон Халқ, Фарғона вилояти ИИҲ раҳбари

восита сайёҳлик йўналишига қаратилган эътибор ва рағбат туфайли меҳмон уйлари 264 тага ҳамда юлдузли тоифадаги меҳмонхоналар сони 10 тага етказилди. Бугунги кунда вилоятда 124 та тўрооператор ва 44 та турагент фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирда Фарғона туманининг Шоҳимардон худудига замонавий туризм комплекслари ҳамда Сўх туманида Сўх дарёси соҳили бўйлари ва тоғ ёнбағри худудларида замонавий мажмуалар ташкил қилиш бўйича режалар ишлаб чиқилмоқда.

Минтақа ривожига дахлдор лойиҳалар иштирокчиси

Яқинда олам сайқали бўлмиш Самарқандда "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" саммити бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган кўп қиррали ташаббуслар минтақалар манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга туртки бўлади.

Жаҳон давлатларининг янги Ўзбекистонга эътибори ва ҳамкорликка интилиши беҳиз эмас. Чунки мамлакатимиз номидан билдирилаётган таклифлар минтақани янги поғонага юксалтиришга хизмат қилади. Яқин келажакда мамлакатимиз Осиё ва Европа давлатларини боғлайдиган ўта муҳим ўтказигча, яъни хабга айланади. Технолологиялар, билимлар, маблағ ва ахборот оқимлари дарёси юртимиздан ўтади. Жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз ушбу улкан "сакраш"га тайёр бўлишлари керак, албатта.

Бугун қўзланган орзулар рўёбга чиқмоқда. Янги Ўзбекистон янги Буюк Ипак йўлининг жуда муҳим иштирокчисига айланаётир. Бунда эса, тарихда бўлга-



ИЛҒОР ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН МАЖМУА

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш, хусусан, гидроэнергетика тармоғини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли амалий фаолият олиб борилаётир. Бу борада "Ўзбекгидроэнергетика" АЖ томонидан гидроэнергетик салоҳияти юқори бўлган худудларда янги гидроэлектростанция (ГЭС)ларни барпо қилиш ишлари жадал суръатларда амалга ошириллаётир.

■ Гидроэнергетика

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чотқол дарёсининг белгиланган худудидида қурилиш ишлари режа асосида изчил давом эттирилаётгани фикримиз далилидир. Айни пайтда бу ерда "Қуйи Чотқол" ГЭС қурилиши жараёни қизган. Барпо этилаётган ушбу гидротехник иншоот лойиҳасида ҳар бирининг қуввати 22,5 МВт. бўлган 4 та гидроагрегатини ўрнатиш мўлжалланган. Ушбу ГЭСнинг ўрнатилган қуввати 90 МВт. бўлиб, йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 300 млн. кВт/соатга тенг, яъни ГЭС қуввати келажакда ўртача 125 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, объектнинг тўлиқ ишга туширилиши 81,0 млн. куб метргача табиий газ-ни ёки 250 минг тонна кўмирни иқтисод қилиш имконини беради. Иншоот гидрологик режимга таъсир қилмайди, гидробиологик объектларга зарар етказмай-



ди ҳамда атроф-муҳит ҳамда табиат ўзгаришига таъсир кўрсатмайди.

Эътиборли жиҳати, қурилиш ишлари доирасида мамлакатимиз ва Марказий Осиёда илк бор янги замонавий технологиялар асосида биринчи марта тўзон конструкцияси босиб зичланган (укатанний) бетонли усулда қурилади. Тўзон баландлиги 60 метр, узунлиги 270 метр, тўзон усти эни 7,5 метрни ташкил этади. Сув омбори ҳажми 6,8 млн. куб метргга тенг.

Мазкур типдаги тўзон қурилиши лойиҳаси амалга ошириш муддатини 2 баробар қисқартириш ҳамда сув омбори кунлик сув сарфини самарали бошқариш

имконини беради. Натижада мазкур мустаҳкам тўғонда қуриладиган ГЭС кун давомида электр энергиясига талаб кескин ошган даврда, яъни ростловчи қувватларда электр энергияни ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтиради.

Тўзон қурилишида "RCC" ("Roller-compacted concrete" — босиб зичланган бетон) дан фойдаланилади, яъни тўзоннинг асосий қисми (195 минг м³) босиб зичланган бетондан иборат бўлади. Умуман, ундан фойдаланишнинг афзалликлари кўп.

Дарвоқе, ушбу истикболли лойиҳада мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон стандартлари асосида тўзон ва ГЭС биноси яхлит иншоот сифатида қурилмақда. Мазкур лойиҳа якунига етказилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг, 120 нафардан ортиқ маҳаллий ёш мутахассислар доимий иш ўринлари билан таъминланади.

Таъкидлаш жоизки, Чотқол дарёсида амалга оширилаётган мазкур йирик гидроэнергетик лойиҳа нафақат Тошкент вилояти энергетика тизимида муҳим аҳамият касб этади, балки вилоят аҳолисини экологик тоза ва арзон электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу объектда бўлиб, гидроэлектростанциянинг қурилиш жараёни билан танишди. Пресс-тур давомида қайд этилганидек, режага биноан, Қуйи Чотқол ГЭСни жорий йилнинг мустақиллик байрами арафасида қуриб битказиш ҳамда эксплуатацияга топшириш кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Давронбек ЭРНАЗАРОВ олган сурат.

"CASE-IN" халқaro муҳандислик чемпионатининг "Металлургия" йўналиши бўйича МИСиСнинг Олмалиқ филиалида таҳсил олувчи талабалар жамоаси иккита махсус мукофотга сазовор бўлди.

Фахр

Ўзбекистонлик талабалар халқaro мусобақада совриндор бўлишди

2025 йилги мавсумда БРИКС ва МДҲга аъзо мамлакатлардан 1,5 мингдан ортиқ талаба ва мактаб ўқувчилари иштирок этди. Май ойида бўлиб ўтган финал босқичи саралаш ва яримфинал босқичларидан муваффақиятли ўтган 600 нафардан ортиқ иштирокчиларни жамадади. "Металлургия" йўналишида Ўзбекистон вакиллари талабалар лигасида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Айтиш жоизки, "CASE-IN" халқaro муҳандислик чемпионати 2013 йилда бошланган муҳандислик мусобақаларининг энг йирик тизими бўлиб, МДҲ ва БРИКС мамлакатлари мактаб ўқувчилари, талабалар ва

ёш мутахассисларини қамраб олади. Якуний босқичда жамоалардан юқори даражадаги муҳандислик тайёрлик, жамоавий иш ва ноанъанавий фикрлашни намойиш этиш талаб қилинди. Ўзбекистон вакиллари мустаҳкам билим, ишончли ечимларнинг амалий йўналиши ва ёрқин тақдироти билан иштирок этиб ҳақамлар ҳайъатининг муносиб эътирофига сазовор бўлди. Аҳамиятлиси, жамоа аъзоларининг миллий дўппида чиқиши ҳам ўзига хос иштирок муҳитини таъкидлаб турди ва бу финалнинг унутилмас маданий акцентига айланди.

«Халқ сўзи».

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

ни каби, Фарғонанинг ўрни муҳим. Шу боис вилоятнинг Езёвон, Бувайда, Данғара каби қатор туманлари худудидан ўтувчи халқаро автомагистраль йўллари бўйида жаҳон андозалари даражасида транспорт-логистика марказлари, муҳташам хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қад ростламоқда. Кенг қамровли бундай савй-ҳаракатлар яқин истиқболда Фарғонани Буюк Ипак йўлидаги жавоҳирга айлантиришига шак-шубҳа йўқ.

Яқин йилларгача вилоят иқтисодий-ти Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Фарғонаазот”, “Кварц” сингари бир неча йирки корхоналар фаолиятига боғлиқ эди. Кейинги йиллардаги янгиланиш ва ўзгаришлар туфайли бугунги кунда вилоятда 60 мингга яқин кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бу йил вилоятда 8 мингта кичик бизнес субъекти орқали худудларда 42,5 мингдан кўпроқ микролойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари нуфузли мин-барлардан минтақа ва жаҳон иқтисодиёти ривожига дахлдор долзарб лойиҳаларни илгари сувар экан, уларни рўёбга чиқаришга қаратилган улкан жараёнда Фарғонанинг ҳам иштирокини кўзда тутатганидан фахрланамиз.

Яшил бўстон

Бундан ўн йиллар бурун Олтиариқдан Фарғонагача йўлнинг бир тарафи қип-қизил дашт эди. Ҳозир у йўлдан ўтган киши танимай қолади: ҳар иккала томонида ҳам боғлар барпо этилган, чаман-чаман гуллар очилган. Бугун дашт ерларда ҳам яшил майдонлар ташкил қилинмоқда, шу билан бирга, бутун аҳоли “Ҳар оиллага бир дарахт” тамойили асосида боғу роғлар бунёд этишга қорланмоқда.

Халқнинг жипслиги, бирдамлигининг қудрати шунда намоён бўлади. “Фарғонада ўрмон йўқ”, дейишди ки-шилар. Аммо ҳар бир киши ота-онаси-га, оиласига ёки фарзандларига атаб бир туп қўчат экса, миллионлаб да-рахтдан иборат ўрмон пайдо бўлади. “Дарахт экиб, боғ ярати. Одам есаям, қурту қуш есаям, бир киши соҳида салқинласаям савоб”, дейдилар.

Биргина “Яшил макон” умуммил-лий лойиҳаси доирасида вилоятда 2022 йилдан буён 65 миллион тулға яқин дарахт қўчатлари экилди. Эзгу ташаббус давомида ҳар бир шаҳар-туманда яшил жамоат парклари, “яшил белбоғлар”, яшил ҳиёбонлар ҳамда кўкаламзорлаштирилган ҳордиқ чиқариш масканлари ташкил

этилаётгани эътиборга молик. Нати-жада йилдан-йилга вилоятда яшил-лик даражаси жаҳон андозаларига мос тарзда ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда вилоятда 49 минг гек-тар мевали боғлар мавжуд ва эъти-борлиси, атиги сўнгги бир йилда са-марасизлари ўрнида 5 минг гектар ин-тенсив боғлар барпо этилди. Айни жа-раёнда Сўх туманининг Жавпа мас-сивида 210 гектар майдонда интенсив ўрик боғи бунёд қилиниб, 0,5 гектар-дан ижара асосида кам таъминланган оилаларга бўлиб берилди. Ўтган йили Фарғона туманининг қир-адир ерлари-да туркиялик инвесторлар томонидан 70 гектарда саноатлашган интенсив боғ яратилган бўлса, жорий йилда яна 200 гектар ерда ана шундай боғ барпо этиш мақсад қилинган.

Ким камбағал?

Халқнинг ўзига хос ғурури, орияти бор, бировга “Камбағалмисиз?” десан-гиз, “Тепамда бошпанам, ёнимда ўғил-қизим, қавму қариндошим бор, нега камбағал бўлай?” дея жавоб беради. Бу “Бой бой эмас, қаноат қилган бой”, деган ҳикматли гапнинг халқона йўси-нда тилга чиққани.

Бироқ бугун юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга ғамхўрлик кўрсатишда сўраб-суриштиришгагина асосланиб қолмай, рақамли техноло-гиялар воситасида амалга оширилади-ган замонавий механизмлар ҳаётга тат-биқ этилган. Камбағалликка қарши ку-раш борасидаги кенг қўламли ишлар кишиларга етарли таъминланган ҳолда ҳаёт кечириши ва бу борада ўзидаги қобилиятларини рўёбга чиқара олиши учун кўмак беришни кўзда тутати.

Тақдир тақозоси билан бошпанаси-дан, боқувчисидан, даромад манбаи-дан айрилган оилалар тўла қўллаб-қув-ватланмоқда. Камбағал саналган оила-га аввал яқинлари, маҳалла-қўй баҳо-ли қудрат кўмаклашган бўлса, энди бу хайрли ишни давлат ўз зиммасига олди.

Амалга оширилган ҳаётбахш исло-хотлар натижасида охириги уч йилда Фарғона вилоятида 217 минг нафар фуқаро камбағалликдан чиқарилди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида бундай оилалар-нинг ҳар бири билан алоҳида режа асосида иш олиб боришмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йил якуни билан яна 150 минг фуқарони эътиҳамандлик-дан халос этиш, вилоятда камбағал-лик даражасини 5 фоизга тушириш кўзда тутилган.

Ҳар бир оила муқим даромадга эга

бўлишида маҳаллабай, хонадонбай иш-лаш тизими йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Айни пайтда вило-ятдаги 1063 та маҳалланинг ҳар бири-ни аниқ бир йўналишга ихтисослашти-ришга жиддий эътибор қаратилляпти. Бугунга қадар маҳаллаларнинг 220 таси саноат, 281 таси деҳқончилик, томоқра-чилик, 238 таси қўчатчилик, гулчилик, узумчилик, 144 таси хизмат кўрсатиш соҳасига ихтисослаштирилди. Яқин истиқболда маҳаллалар ишсизликдан холи худудга айлантирилиб, ҳар бири учун жадал ривожланишининг етакчи со-ҳалари фаол рағбатлантирилади.

Тўқсон минг ақл

Рақамларга кўра, вилоят аҳолиси йи-лига ўртача 90 мингга кўпаймоқда. Бу шунча куч, салоҳият, ақл, тафаккур де-гани. Фақат уларни улуғвор мақсадлар-га монанд илғор билимли мутахассис-ларга айлантириш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Бугунги кунда Фарғона вилояти олий таълим муассасалари сони ва қамро-ви бўйича мамлакатимиз худудлари



орасида етакчи ўринда туради. 2025 йили вилоятда олий таълим қамровини 40 фоизга, 2029 йилда 60 фоизга етказиш устувор вазифалар сирасига киритилган.

Мақтаб таълимида миллий тажриба Япония таълим тизими асосида янада такомиллаштирилаёттир. Айни мақсад йўлида Фарғона вилояти делегацияси бир неча маротаба Кунчиди юрда ўзаро тажриба алмашиб келди. Ҳозир-да вилоятнинг 19 та шаҳар-туманида биттадан мақтаб тажриба тариқасида ташлаб олиниб, уларда таълим-тарбия жараёни япон таълим тизимига муво-фиқ тарзда олиб боришмоқда. Япония-дан тажрибали мутахассислар ҳам жалб этилган.

Урта бўгин мутахассислари тайёр-лашда эса вилоятдаги 77 та касбий таълим ташкилотида назария ва ама-лиёт уйғунлигини таъминлаш мақсади-да Германия тажрибаси бўйича бир пайтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам ишлаш имконини берувчи дуал таълим тизи-ми кенг жорий этилаёттир. Бу тажриба касб-хунар мактаби ва техникумларда яхши самара бериб, ёшларнинг муайян касб-хунар эгаси бўлиб ети-шиб чиқишини таъминлайди.

Математика, физика, биология каби йўналишлар қаторида муҳандислар тайёрлаш ишига ҳам эътибор катта. Сабаби яна мамлакатда рўй бераётган

жараёнларга бориб тақалади: аввал ҳа-ёлга ҳам келмаган янги ишлаб чиқа-риш объектлари қурилмоқда, улардаги ускуна ва жиҳозларни ишлата олишги-на эмас, таъмирлаш ва ривожланти-ришни бажара оладиган муҳандислар қатламини шакллантириш кун тартиби-да турибди. “Олтин ўзимизда. Уни чет-дан келтиришга не ҳожат?!” дейишади улуғлар. “Олтин” дейилганида ёшлар назарда тутилади, албатта. Вилоятда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси кенг ёйилди, туризм, илғор технологиялар, ахборотлаштириш йўналишлари, замо-навий маркетинг оммалашди, шу бил-лан бирга, бошқарувнинг замонавий, рақамлаштиришга асосланган усулла-ри кириб келди.

Фан, санъат ва адабиётда ҳам Фарғона фахрли ўринга эга. Айниқса, Президентнинг “Республикада миллий аския ва қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўрисида”ги қарорига кўра, Марғилон-да Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номи-даги республика аския ва қизиқчилик санъати маркази ташкил қилиш ва ушбу соҳада таниқли ижодкорларнинг



хизмат қилсин, хайр-барака келти-рин”, деган тилакларни билдиради. Буни халқимиз “қут-барака” деб атайди.

Маънавият борасида дунёга ўрناк бўлган халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини сақлаб қолиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири.

Халқимиз маҳдудлик даврларида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган қадри-ятлар туфайли ўзлигини таниб келди. Эндиликда давлатимиз ўзлик, анъана ва қадриятларини авайлаб сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш учун ҳуқуқий асосларни яратиб берди. Бироқ катта мақсадларни қўзлаган та-шаббуслар билан кенг халқ оммасини ўзаро боғловчи билим алмашиш ти-зимиди оқсашлар бор. Тинимсиз ўзга-раётган дунёда ўзликини англамасдан, асрий қадриятларни ўқмасдан ва за-монавий билимларни эгалламасдан яшаб бўлмайди. “Ҳар йили тўқсон минг ақл” дейилди, унга эга чиқиш зарур, албатта. Барча кишлоқларда ичхам, қулай кутубхоналар тизимини шакл-лантириш кераклигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Кутубхоналар тизимини такомиллаш-тириш, кишлоқларда ана шу зиё мас-канларини тиклаш, уларни бадийи ва илмий адабиётлар, даврий матбуот нашрлари билан таъминлаш, шунинг-дек, “оила кутубхонаси” анъанасини йўлга қўйиш керак. Жаҳон ахборот ма-кониди “Ўқш зарур бўлган 100 китоб” дегандай рўйхатлар мунтазам эълон қилиб борилади. Ҳар бир оила учун зарур миллий китоблар рўйхати шакл-лантирилиб, уларни ҳар бир хонадон-га етказиш бўйича лойиҳалар қилинса, нур устига нур бўлади, албатта.

Юртни боғ-бўстонга айлантириш одамларнинг ўз қўлида. Фарғона халқининг миришкорлиги аввал ҳам, ҳозир ҳам эътирофлар марказида ту-рибди. Кишилари илғор марралар сари илҳомлантиришининг янги ме-ханизмлари зарур бўлиб қолмоқда.

Ватанимиздаги улкан ва ҳаётбахш жараёнлар қўламини таърифлаш учун жилд-жилд китоблар ёзса арзийди. Бу янгиланишлар халқона тарзда шундай ифода этилмоқда: “Янги уйга эски ту-шунча билан кириб бўлмайди”. Янги уйнинг қадрига етиш учун янги тушун-чалар, маънавият ва маърифат керак. Чунки сўз бутун бошли мамлакатни туб-дан янгилаш ва юксалтириш ҳақида бормоқда. Бу худудларга ҳам тегишли, албатта. Шунча миллион киши тақди-

ри ва келажаги турганида, мақсадлар ҳам шунга яраша улуғвор бўлади.

Шонли тарих ва ёрқин келажақ рамзи

Мақоламиз аввалида икки минг йил олдинги воқеаларни ва қудратли Хан сулоласи ҳукмдорининг ҳавасини кел-тирган Фарғона самовий тулпорларини эслаган эдик. Улар эндиликда тим-солга айланган. Бугунги замонавий дунёнинг аргумоқлари бутунлай бош-қача. Бу зако, истеводд ва қобилият тулпорларидир. Фарғона аҳли бугун ҳам маданияти ва санъати, етук ахлоқи, бирдамлиги, яратувчанлиги ва бунёд-корлиги билан оламга ўрнак.

Кези келганда, бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтсак. Фарғонага кираверишда самовий тулпорлар рамзини ўрнатиш вақт-соати келди. Бу тарихий ва замо-навий тимсол бугунги Фарғона киши-ларининг заковати, бунёдкорлик сало-ҳияти, эзгу орзулари, яхши ниятлари-нинг ифодаси бўлиб ҳақ қўаради. Шу маъ-нода, янги Фарғонанинг бугунги ра-ван-ривож ва эртанги кун истиқболи йўлида ташланаётган дадил қадамлар нуфуси 4 млн. 200 минг нафарга яқин-лашган вилоят аҳли ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Дарҳақиқат, дунёда инсон руҳияти, тафаккури, яшаш тарзига кучли таъ-сир кўрсатадиган, Ватанга муҳаббати, ҳаётбахш ислохотларга дахлдорлик туйғуси, ўз тақдири ва келажагига ишончини юксалтириб юборадиган ян-гиланиш жараёнлари бўлади. Шу маъ-нода, янги Фарғонанинг бугунги ра-ван-ривож ва эртанги кун истиқболи йўлида ташланаётган дадил қадамлар нуфуси 4 млн. 200 минг нафарга яқин-лашган вилоят аҳли ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Зотан, кейинги йилларда фарғона-ликлар тафаккури, дунёқарашини, турмуш тарзи, орзу-мақсадлари янгиланиб, кенг қўламли ислохотлар жараёнида ҳаётнинг жўшқин оқимида четда қол-масликка интилаёттир. Президентимиз бошчилигида янги давр, янги замон — янги Ўзбекистон доволарини қатъий ишонч, аниқ режа, узоқни қўзлаган юксак мақсадлар билан забт этмоқда. Бу Фарғона вилоятининг тобора му-ҳташамлик ва улуғворлик касб этиб бо-раётганида яққол намоён бўлаётгани қувонарлидир.

БИРИДА ЗЎР, БИРИДА ЭСА...

бирли кишилар, дейишади. Аслида, ўтиш дав-рининг ташвишлари туман ахлига ҳам бегона-мас. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллар ернинг “тили”ни биладиган тажрибали деҳқонларга барча ша-

дахлдор. Аммо шу даврда ҳам ҳар бир имкони-ятдан омилкорлик билан фойдаланиб, ўзи ва атрофдагилар учун даромад келтирадиган янги авлод ҳаёт сахнасига чиқди. Биргина фермер-лик ҳаракатини олсак, пахта ва галлада ҳосил-дорлик 2-2,5 бараварга оширилди. Бугун вило-ятда фаолият юритаётган иссиқхоналарнинг ҳар тўртинчиси, балиқчилик ҳўжаликларининг ҳар учинчиси, асаларичиликнинг тенг ярми, меҳ-монхона хизматининг бешинчиси қизилтепалик-лар ҳиссасига тўғри келади.

— Туманимизда кишлоқ ҳўжалиги махсулот-лари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари очиш мақсадида Кенгсой мас-сивида йиллар давомида фойдаланилмаган ер-ларнинг 300 гектари ўзлаштирилмоқда, — дей-ди туман ҳокимининг ўринбосари Ҳамза Фар-монов. — Шу мақсадда бу ерда суғориш ти-зимини учун 50 минг кубли ҳовуз қазилмоқда, 4 та ёмғирлибчи суғорувчи пивот келтирилди. Массивда яна минг гектар ерни ўзлаштириш режалаштирилган. Бу айтиш кунларда туманда қурилаётган “Чорвачилик микромарказлари ком-плекси” учун мустаҳкам озуқа базасини ярата-ди. Ушбу комплекс туманининг Ҳўжаўрғон ма-ҳалласида “Aziya” бренди остида 40 турдан ортик музқаймоқларни ишлаб чиқараётган “Nuri hayot ice cream” МЧЖ ҳамда “Yangi asr” фер-мер ҳўжалигининг сутни қайта ишлаш заводи каби корхоналар фаолияти барқарорлигини таъ-минлайди.

Сўз имкониятлар хусусида кетаркан, исло-хотларга барча худуд учун бирдек старт бе-рилганини таъкидламоқ жоиз. Афсуски, ундан

хамма бирдек фойдалана олмаётти. Бундай худудлар қаторида Хатирчини мисол келтириш мумкин.

Туманда 213 мингдан ортик аҳоли истикомат қилиб, 2973 та кичик бизнес субъекти рўйхат-дан ўтган. 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг 1384 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Бу 2024 йил 1 январь ҳолатидагига нисбатан икки баравар кўп, демаскидир.

Ачинарлиси, туман бўйича 2023 йилда 428 та кичик бизнес субъекти фаолият бошла-гани ҳолда 2024 йилда бу кўрсаткич 290 тани ташкил этди. Албатта, ушбу рақамлар ортида туманда узоқ йиллар мобайнида соҳанинг эъти-бордан четда қолганлиги, зарур шарт-шаройт-лар яратилмаганлиги, худудда аҳоли бандлиги-ни таъминлашдек оғир масалалар турибди. Ҳу-сусан, бугунги кунда туман бўйича меҳнатга ла-ёқатли аҳолининг муайян қисми ишсизлик ма-қомиди қолиб кетиши бўйича худудлар орасида энг қуйи кўрсаткичлардан бирини эгалламоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, ўтган йили туманда раҳбар ўзгарди. Бир қатор янги лойи-ҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, саноат ва кишлоқ ҳўжалиги соҳаларини раванқ топти-риш учун шарт-шаройтлар яратиш, инфратузил-мани ривожлантириш бўйича лойиҳалар ижро-си учун ҳўкуматимиз томонидан мамлакатнинг 16 та худуди қаторида Хатирчиға ҳам 1 трлн. сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Табиийки, бу янгиланишлар хатирчиликлар қалбида ҳам умид чироғини ёқмоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Қизилтепа тумани ҳокимлигининг “YANGI QIZILTEPA” телеграм каналида “SVS NAVOIY” МЧЖ хорижий корхонаси маъмуриятининг ишга тақлиф бўйича эълони чиқарилди. Унда Қизилтепадаги Маликобод маҳалласи “Янги Ўзбекистон” массиви ёнидаги мазкур корхонага беш миллион сўмгача ойлик иш ҳақи билан оператор, механик, тикувчи ҳамда ёрдамчи ишчилар тақлиф қилинган. Одатда, бундай масалага ими-жимиди ёндашилларди. Шу боис корхона фаолияти билан қизиқдик.

Таҳлил ва таққос

“SVS NAVOIY” МЧЖга 2021 йилда асос со-линган бўлиб, унга “Маликобод” МФЙ худуди-дан 10 гектар ер майдони ажратилган. Шу давр мобайнида корхонанинг 5 та ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб, 93,9 млрд. сўмлик, 83,0 млн. жуфт қурилиш кўлқопи ишлаб чиқарилган.

— Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш доирасида 6-цехнинг қурилиш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокимининг би-ринчи ўринбосари Насриддин Ҳайитов. — За-рур асбоб-ускуналар хориждан босқичма-бос-қич келтирилиб ўрнатилмоқда. 2025-2026 йил-ларда жами 40 млн. доллар хорижий инвести-цияларни ўзлаштириш ҳисобига корхонада 700 та янги иш ўрни яратиш режалаштирил-ган. Жорий йилда қийматли 30,0 млн. доллар-лик “Латекс қопламали пахта кўлқопларини ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 500 та иш ўрни очилади.

Хуллас, 167 минг аҳоли истикомат қилади-ган Қизилтепада бундай корхоналар кўп. Бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг, аҳоли жон бошига ишлаб чиқараётган худудий махсулот-лари ва хизматлари, жалб этилаётган инвести-циялар ҳажмининг салмоқли қисми қизилтепа-ликлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йилда вилоят бўйича 1122 та қурилиш корхонаси фаолият олиб борган бўлса, уларнинг 180 таси



Қизилтепада рўйхатдан ўтказилиб, маҳаллий бюджетга даромад келтирмоқда. Натижада ту-ман худудидида Ванғози, Фардиён, Зармитан, Тошрабат, Варозун каби қадим қишлоқлар обод бўлиб, аҳолининг фаровонлиги ошмоқда.

Кўпчилик қизилтепаликларни азалдан тад-

роит яратиб берилди. Бироқ кўп ўтмай ушбу фермерларнинг аксарияти техника ва қорамол-ларни сотиб машина олишди, дабдабали тўйлар қилишди. Оқибатда ер эгасиз, одамлар иш-сиз, даромадсиз қолди. Албатта, ушбу ҳолат-лар биригина Қизилтепага эмас, барча худудга

ИТАЛИЯ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПАДАГИ ЖОЗИБАЛИ ШЕРИГИ

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони хонимнинг юртимизга расмий ташрифи кўнра қўнра давлатларининг Ўзбекистонга қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради.

Италия — Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг муҳим ҳамкорларидан бири. Иқтисодий ва маданий алоқаларининг ўсиши, унинг янги ички маҳсулоти 2 трлн. доллардан ортиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида катта таърифага эга. У жаҳон цивилизациясининг қадимий бешикларида бири, бой маданий мерос ва юқори технологиялар маркази ҳамдир.

Нуктаи назар

Ўзбекистон ва Италияни узок йиллик тарихий алоқалар боғлаб туради. Бугун ҳам замонавий Ўзбекистон Римнинг Марказий Осиё сийбатида муҳим ўрин эгаллайди. Мустақкам ички барқарорлик ҳамда Тошкентнинг ўзаро манфаатли минтақавий сийбати Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги кучли ҳамкорга айлантирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сўнгги йилларда жадал ривожланиб бораётти. Ўзаро манфаатларга асосланган ҳамкорлик иқтисодий, маданий, таълим ва сийбати соҳаларни ҳам кенг қамраб олади.

Италиянинг юқори технологиялари ва таърибаси Ўзбекистон иқтисодий ва маданий алоқаларининг кенгайтириш интеграциялашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, Италия билан савдо алоқаларининг кенгайтириш Ўзбекистон маҳсулотларининг Европа бозорига киришини оsonлаштиради. Қолаверса, ушбу давлат ўзининг стратегик жойлашуви тўғрисида Европа ва Осиё ўртасидаги савдо йўлларини ривожлантиришдаги ўрни салмоқли.

Катта портлари ва транспорт инфраструктураси мамлакатни транзит марказига айлантирмоқда. Робототехника, автоматика, биотехнология ва энергетика соҳаларида юқори даражадаги тадқиқотлар



олиб борилмоқда. Мамлакат Европа Иттифоқида иқтисодий ва молиявий салоҳияти нуктаи назаридан Германия ва Франциядан кейин учинчи ўринда туради ва дунёдаги йирик иқтисодий давлатлардан биридир.

Бу ерда дунёга машҳур университетлар (Болонья, Сapiенца) ва илмий марказлар фаолият юритади. Мамлакатда илмий тадқиқот ишлари ва инновациялар учун кенг имкониятлар мавжуд. Италиянинг бой маданияти ва санъати Ўзбекистонга ўрганиш ва ҳамкорлик учун манба ҳисобланади. Италия университетлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик орқали Ўзбекистон ёшлари замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда. Бу икки томонлама маданий алмашинувларни кучайтириш, тил ўрганиш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустақкамлашга хизмат қилади.

Италия дунёдаги энг машҳур ту-

ристтик мамлакатлардан бири бўлиб, маданий мероси, табиий гузалликлари ҳамда тарихи билан сайёҳларни жалб этади. Шу боис ушбу давлат туристик салоҳиятини ривожлантиришда ҳам биз учун муҳим шерик ҳисобланади. Унинг туристик технологиялари ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги таърибаси Ўзбекистон туризмини жаҳон миқёсида рақобатбардош қилишга ёрдам беради.

Италия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор. Буни иқтисодий, маданий, сийбати ва стратегик нуктаи назардан кўриб чиқиш мумкин. Италия Ўзбекистондаги иқтисодий ривожланишдан фойдаланиб, инвестициялари ва маҳсулотлари билан янги бозорларга кириш имконига эга бўлади. Махсус лойиҳалар ҳамда инвестициялари амалга ошириш Италия компанияларига янги даромад манбалари яратади. Ўзбекистон билан савдо алоқаларини ривожлантириш орқали ўз маҳсулотлари ва хизматларини Марказий Осиё бозорига реклама қилиш имконини топади. Бу, ўз навбатида, экспортни оширишга ва иқтисодий ўсишга олиб келади.

Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихидан фойдаланиш Италиянинг маданий туризмни ривожлантиришга ёрдам беради. Италиялар Ўзбекистондаги маданий мерос ва аънаъларини тадқиқ қилиш имконига эга бўлади. Италия таълим муассасалари Ўзбекистондаги ёшларга замонавий билим ва кўникмалар бериш орқали маданий алмашинуви ривожлантиради. Бу ҳам Римнинг халқро имижини мустақкамлайди.

Италиянинг инновациялари, инвестициялари ва таърибаси Ўзбекистонни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун

ҳам ушбу давлат билан муносабатларни мустақкамлаш ва кенгайтириш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келади. Икки томонлама ҳамкорликнинг янада ривожланиши, албатта, икки халқнинг фаровонлиги ва минтақавий барқарорлики таъминлашга хизмат қилади.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилдаги 172,2 млн. доллардан 2024 йилда қарийб 438 млн. долларга етди. Бунга мамлакатлар ўртасида амалда бўлган энг қўлай савдо режими, шунингдек, мамлакатимиз 2021 йилда бенефициарида айланган Европа Иттифоқининг “GSP+” имтиёзли тизими кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Айтиш жоизки, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томон учун ҳам устувор вази-фалардан. Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажми кейинги йилларда икки баробар кўпайгани буни тасдиқлайди. Металлургия, энергетика, электротехника ва бошқа тармоқларда Италиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони икки баробар кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2023 йилда Бухорода Луиджи Ванвители номидаги Кампания университетининг филиали очилди. 2024 йил сентябрь ойида Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистоннинг 45 ва Италиянинг 23 та олий ўқув юрлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон — Италия биринчи ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди. Жо-

рий йил 25 апрель куни Самарқанд шаҳрида икки давлат олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди ва тадбир доирасида фан ҳамда таълим соҳасига оид 6 та ҳужжат имзоланди.

Италия инвестиция ва технологиялари иштирокида мамлакатимизда газ тақсимлаш тизимларини модернизация ва реконструкция қилиш, ҳашаматли темир йўл круизларини йўлга қўйиш, шунингдек, заъфарон етиштириш, қорвачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилаёттир. 2023 йил март ойидан бошлаб Тошкент, Милан ва Рим шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани ҳам ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш ва мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Шу тариқа томонлар мулоқотни чуқурлаштириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва гуманитар алмашинуви ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини намоён қилапти. Бу Ўзбекистон — Италия стратегик шериклигини конструктив ҳамкорлик намунасига айлантирмоқда. Давлатларимизнинг барча соҳадаги ҳамкорлиги Италиянинг инновациялари, инвестициялари ва таърибаси Ўзбекистонни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Италия билан муносабатларни мустақкамлаш ва кенгайтириш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келади.

Гулачил МАДРАҲИМОВА,
И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳар филиали директорининг биринчи ўринбосари, DSc, доцент.

РЕКЛАМА

YURTIMIZDA IJOD QILAYOTGAN XONANDA, KOMPOZITOR VA BASTAKORLAR DIQQATIGA!

O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi hamda "O'zbekkonsert" davlat muassasasi barchamiz uchun eng ulug' va eng aziz bayram — yurtimiz mustaqilligining 34 yilligi munosabati bilan qo'shiqlar tanlovini e'lon qiladi.

Tanlovda xonandalar, shoirlar hamda bastakorlar Vatan, istiqlol, tinchlik va farovonlik, ona yurtga muhabbat va sadoqat, millatlararo do'stlik va hamjihatlik, o'zaro mehr-oqibat kabi yuksak insoniy tuyg'ular tarannum etilgan yangi qo'shiqlari bilan ishtirok etishlari mumkin.

Tanlovda qatnashish istagida bo'lgan ijodkorlar o'z qo'shiqlarini "O'zbekkonsert" davlat muassasasining "Mustaqillik — 2025" telegram manziliiga yo'llashlari mumkin.

G'olib deb topilgan xonandalar pul mukofoti hamda mustaqillik bayrami munosabati bilan o'tkaziladigan asosiy tadbirga o'z asarlari bilan tavsiya etiladi.

- 1 — o'rin uchun (bitta) 50 mln. so'm.
- 2 — o'rin uchun (bitta) 40 mln. so'm.
- 3 — o'rin uchun (bitta) 30 mln. so'm.

Qadrli yurtdoshlar! Vatan tuyg'usi ijodkor uchun chinakam ilhom manbaidir. Shunday ekan, ushbu imkoniyatdan foydalanib, o'z iqtidoringizni namoyish qilishga shoshiling!

Ijodiy ishlar joriy yilning 1-avgustigacha qabul qilinadi. Tanlov g'oliblari 2025-yil 15-avgust kuni e'lon qilinadi. Murojaat uchun telefon: +998 71 234 24 28

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ, АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

Президентимизнинг 2024 йил 4 июнда қабул қилинган “Бадий таржима соҳасида Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бадий таржима соҳасида Мухаммад Ризо Огаҳий номидаги халқро мукофот танловини эълон қилади.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур халқро адабий танлов миллий адабиётимизни дунёда кенг тарғиб қилаётган, жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига ўғриб, китобхонларга тақдим этаётган фидойи таржимонлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни оmmалаштириш, хорижий мамлакатларда ўзбекистонлик адиблар ижодига қизиқишни янада ошириш каби хайрли мақсадларни назарда тутди.

Мазкур танловга эълон берилган санадан бошлаб ўтган беш йил давомида китоб ҳолида чоп этилган

ёки босма даврий ва электрон адабий нашрларда эълон қилинган таржима асарлар қабул қилинади.

Халқро танлов куйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади ва унга белгиланган ҳажмдан кам бўлмаган асарлар қабул қилинади:

■ ўзбек адабиёти насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида ўн босма табоқ;

■ ўзбек адабиёти шеърий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

■ ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

■ хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида ўн босма табоқ;

■ хорижий тилларда яратилган шеърий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ;

■ хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима — камида беш босма табоқ.

Драматургия жанрига оид таржима асарлар ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар асосида кўриб чиқилади.

Халқро танловга асарлар 2025 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қабул қилинади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобсар.

Газета таҳрират марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6

ЭКОЛОГИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Дарахтга нафас беринг!»

Мамлакатимизда ўтказилаётган навбатдаги экологик акция ана шундай номланди. Юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади — дарахтларнинг илдизларига ҳаво ва сув киришига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш.



Шунингдек, дарахтларга ўрнатилган турли техник қурилмалар — симлар, реклама баннерлари ҳамда табиий ўсишга халал берувчи бошқа нарсалардан халос қилиш.

Мазкур ташаббус доирасида Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида экология бўлими давлат инспекторлари томонидан Ислон шоир маҳалласида йўл ёқаларидаги дарахтлар ҳолати мониторинг қилинди. Тегишар да-вомида икки туп қарағайнинг таги бетонлаб юборилгани, танасига турли электр мосламалари ўрнатилгани аниқланди. Бу ҳолатлар зудлик билан бартараф этилиб, масуулларга огоҳлантириш берилди.

Бундай назорат тадбирлари барча ҳудуд маҳаллаларида, деҳқон бозори атрофида, туман марказий ва ички кўчаларида ҳам давом этмоқда.

Тошлоқ ҳудудлар ўрнида «яшил белбоғ»

Яшил манзилларни кўпайтириш экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигидан хабар беришларича, Термиз, Ангор, Музработ ва Шеробод туманлари ҳудудидан ўтувчи Олмаота — Бишкек — Тошкент — Термиз йўналишидаги халқро автомобил йўли ёқаларига манзарали дарахтлар экилди.



Натижада бир пайтлар қаровсиз, тошлоқ бўлган 61 км. масофадаги ерлар текисланди, унумдор тупроққа алмаштирилди. Бугун бу ерда кўзни қувнатадиган “яшил белбоғ” барпо қилинган.

Ушбу ҳудудда жами 290 мингдан ортиқ кўчатлар экилиши билан бирга, самарали сугориш тизими ҳам йўлга қўйилган. Хусусан, 122 км. майдонда ана шундай тизим ўрнатилиб, 32 та ҳовуз яратилган. Кўчатларни парвариш-лашда томчилатиб сугориш усулидан фойдаланилади.

Инновация ёрдам беради

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да экологик муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган “Ekooromgoh — 2025” ўтказилди.



Ёшлар орасида экологик маданиятни ошириш, аҳоли-нинг экология билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш, уларнинг илмий ҳамда инновацион қобили-ятларини намоён этиш, экологик муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган ушбу тадбирга ёшлар етакчилари, ёш эко-логлар, волонтерлар, экофаоллар ҳамда “Экология би-лимдонлари” танлови голиблари жалб қилинган.

Тадбир доирасида экологик муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган ўқув-семинар машғулотлари, интеллектуал ўйинлар, оммавий спорт ва плогтинг му-собакалари, “Экология билимдонлари” ва бошқа тан-ловлар, маданий-кўнғилочар тадбирлар, таниқли инсон-лар билан учрашувлар ҳамда тарихий обидаларга саё-ҳатлар уюштирилди.

Яқунда фаол иштирок этган гуруҳлар ва ҳудуд жамоа-лари вакиллари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, иштирокчиларнинг ҳар бирига махсус сертификатлар топширилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси институтнинг Суд тиббиёти, тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг мудирин, профессор
Алишер ИСКАНДАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.